


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
НАВОИЙ ВИЛОЯТ “АЛИШЕР НАВОИЙ НОДИР МЕРОСИНИ
ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ” ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ**

**“КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ:
МУАММО ВА ВАЗИФАЛАР” МАВЗУСИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ



НАВОИЙ-2020

УЎК:028(575.1)(063)

К 47

Китобхонлик маданиятини юксалтириш: муаммо ва вазифалар [Матн] – Навоий: Алишер
Навоий номли нашриёт. 2020. – 340 бет.

КБК: 78.303(5Ў)я43

К 47

ISBN: 978-9943-6321-3-4

Республика илмий-амалий конференцияси ташкилий кўмитаси

- | | |
|--------------|---|
| Ф.Солиев | Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, ташкилий кўмита раиси
аъзолар: |
| Б.Собиров | Навоий давлат педагогика институти ректори, техника фанлари доктори,
профессор, |
| А.Холмуродов | НДПИ, филология фанлари доктори, профессор, “Алишер Навоий нодир
меросини тарғибот маркази” жамоат бирлашмаси раиси, |
| С.Хўжжиев | Навоий давлат педагогика институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректори, |
| М.Равшанов | “Алишер Навоий нодир меросини тарғибот маркази” жамоат бирлашмаси
аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, |
| Ф.Сатторов | “Алишер Навоий нодир меросини тарғибот маркази” жамоат бирлашмаси
аъзоси, |
| Б.Тошназаров | Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи в.в.б. |

Бош муҳаррир: Б.Собиров Навоий давлат педагогика институти ректори,
техника фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати аъзолари:

- | | |
|--------------|--|
| А.Холмуродов | НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори, |
| З.Жумаев | НавДПИ Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, |
| Т.Хўжаев | НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, |
| Б.Пирнафасов | “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти ДК бош
муҳаррири, |
| Б. Ашуров | НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, |
| Ҳ.Суюнов | НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси мудири, |
| Р.Юсубова | НавДПИ Ўзбек тили кафедраси мудири, |
| З.Кувонов | НавДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, |
| З.Олимов | “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти ДК ходими. |
| Б.Зарипов | НавДПИ Ўзбек тили кафедраси доценти, |
| Н.Раҳмонов | НавДПИ Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD). |

*Тўпламда нашр этилган мақола ва тезислар мазмуни ҳамда маълумотларнинг
ҳаққонийлигига муаллифлар масъулдирлар.*

Навоий давлат педагогика институти Кенгашининг 2020 йил, 11 февралдаги 6/8.6-сонли
баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.



3-ШҶББА
ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК. ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ КИТОБХОНЛИККА
ҚИЗИҚТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1	М. Абжалова. Китоб мутолааси оиладан бошланади	224
2	О. Султонова. Ўзликни англашга даъват	226
3	Н. Маматова, И. Соқижонов. Китобхонлик маданиятини шакллантиришда халқ педагогикаси ва миллий қадриятлар	228
4	R. Yusubova. Lug'atlamining o'quvchilar uchun afzal jihatlari	229
5	G. Boltayeva. Mutolaa majburiyat emas, mas'uliyat!	231
6	К. Хайдаров, Ф. Тоғаев. Маҳалла ёшлари ўртасида китобхонликни ривожлантириш масаласига доир	232
7	F. Nurmonov. Yosh avlod kamoloti – taraqqiyot kafolati	234
8	Д. Йўлдошева. XXI асрнинг китобхон болалари	235
9	G. Safarova. Kitobxonlikni rivojlantirishda reklamaning o'rni	237
10	D. Fayziyeva. Kitobxonlik madaniyatini shakllantirishda o'zbek xalq dostonlarining o'rni	239
11	Б. Абдихаликова. Китоб - инсонийликнинг олий қадрияти	240
12	G. Ahmedova. Oilada bolalarni kitobxonlikka qiziqtirishda o'qituvchining tashabbusi	241
13	Ш. Бақоева. Ўтмишдан ҳикоя қилувчи тарих, мўъжиза бу – китобдир	242
14	S. Hamroyeva, F. Shirinova. Hadislardagi ma'naviy - axloqiy qarashlardan ta'lim – tarbiya jarayonida foydalanish	244
15	Р. Хусенова. Китоб мутолааси – қалб озуқаси	245
16	Т. Эшмўминова. Болаларни китобхонликка ўргатишда эртақларнинг аҳамияти	247
17	Х. Қиличев. Оилада фарзандлар тарбияси учун китобхонликнинг аҳамияти.	249
18	D. Kushanova, H. Norboyev. Yoshlarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirishda oilaning o'rni va roli.	250
19	I. Rizaev. About the culture of reading in the modern information society	252
20	З. Ибрагимова. Китобхонлик тарғиботи-алоҳида эътиборда	255
21	Ш. Сўппиев. Баркамол авлод тарбиясининг асоси	257
22	М. Солиева. Ифодали ўқиш малакасини ўстириш воситалари	259
23	U. Abdullayev. Adabiy to'garaklarning kitobxonlik madaniyatini oshirishdagi o'rni	261
24	D. Raxmatova. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida kitobxonlik, ilm va uning fazilatlariga haqida	262
25	M. Xudoyberdiyeva. Eng go'zal ma'naviy boylik	264
26	D. Nurimova. Kitob – hayot yo'lboshchisi	265

iflashtirilgan tomoni sifatida aniqlanadi, u estetik jihatdan tinglovchi va o'quvchiga ta'sir otkazadi. Insondagi turli tuyg'ular, nozik kechinmalar, ko'z bilan ko'rib, quloq bilan eshitib, qo'l bilan ushlab, til bilan totib bo'lmaydigan ruhiy holat jilvalarini faqat so'z yordamida ifoda etish mumkin.

Inson ma'naviy taraqqiyotining nurli cho'qqisi hisoblangan buyuk ajdodlarimizning purma'no fikrlari g'oyalar olamiga chuqurroq kirib borish, inson zoti, xilqati haqidagi tushunchalarning shakllanishi, badiiy tafakkurning mukammal taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi.

Insonning ruhan va fikran erkin, tom ma'noda mustaqil bo'lishi juda muhim narsa. Chunki, jamiyat taraqqiyoti inson tafakkuri, tashabbusi bilan bog'liq. Uni buyuk kelajak sari yetaklash ham, tubanlik qa'riga tortish ham insonning qo'lida, shuning uchun jamiyat a'zolarining, ayniqsa, o'sib kelayotgan yosh avlodning ma'naviy kamoloti, bunyodkor g'oyalarni tasavvur etishi va uni hayotda o'rni bilan tadbiq etishi ilm olish, mustaqil mutoala bilan bog'liq. Bu boradagi kitob mutoalaasining o'rni beqiyos. Hozirgi kunda jamiyatimizda kitob mutoalaasi – badiiy asarlarni o'qitishga rag'batni yanada oshirishga jiddiy e'tibor qaratilgan, natijalari ham quvonarli. Bu natijalar salmog'ini buyuk ajdodlarimizning betakror merosiga muvofiqlashtirish uchun boshlangan ishlarni jadal davom ettirish lozim.

Ma'lumki, ota-bobolarimiz qadimdan bebaho boylik bo'lmish ilm-u marifat, ta'lim tarbiyani inson kamoloti va millat ravnaqining eng asosiy sharti va garovi deb bilgan. Albatta, ta'lim- tarbiya ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan, ya'ni xalq ma'naviyatini shakllantiradigan va boyitadigan eng muhim omildir. Binobarin, ta'lim tarbiya tizimini va shu asosda ongni o'zgartirmasdan turib, ma'naviyatni rivojlantirib bo'lmaydi.

Jamiyat taraqqiyoti uning vakillari salohiyati bilan bog'liq ekan, yosh avlod va uning mukammal tarbiyasi, ma'naviy kamoloti yuksak darajada bo'lishi unga berilgan ta'lim – tarbiyaning me'yori bilan bog'liqdir. Ta'lim beruvchi o'quvchiga kitob bilan ishlashning eng to'g'ri usullarini o'rgatadi. Shu bilan birga o'quvchida badiiy adabiyotni his qilish ko'nikmasini shakllantirsa, o'quvchi mustaqil mutoala qilish orqali jamiyat taraqqiyoti, kasb mahorati, tarbiya mahsuli haqidagi ko'nikmalarni mukammal egallaydi. O'qituvchining vazifasi mustaqil kitob mutolaa qiladigan zamonaviy kitobxonlarni tarbiyalashdan iboratdir.

XXI ASRNING КИТОБХОН БОЛАЛАРИ

Дилором ЙЎЛДОШЕВА,

БухДУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Мазкур масала оғрикли муаммо сифатида тез-тез кун тартибига кўйилмоқда, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, давра суҳбатлари қилинмоқда. Ўрта махсус ҳамда олий таълимда ўқитиладиган фан соатларининг сезиларли қисми мустақил таълимга ўтказилиши ҳам қайсидир жиҳатдан шу муаммо ечими билан боғлиқ.

«Мен ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман», деган эди XX асрда яшаб ўтган улуғлардан бири. Ахир китоб – инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ белгиси, инсоният яратмишлари ичра такрорланмас мўъжиза-ку?! Китоблар қатида кечмиш замонларнинг ақл-идроки, тафаккури, шуури яшайди, хоки тупроқлари туш мисол қачонлардир тўзғиб кетган одамларнинг овози аниқ-тиник янграб туради. Инсоният томонидан яратилган турфа нарса-буюмларнинг, тафаккурда қайта-қайта ўйлаб кўрилган фикрларнинг ва у эришган жамики юксакликларнинг, ҳаттоки,



инсоният оламининг маънавий етуклигию таназзули ҳам, табиат берган неъматлардан баҳрамандлиги шукронасию ношукурчилик исрофгарчилиги ҳам – барча-барчаси инсоният хотираси сифатида китоблар саҳифасида сақланиб қолган.

Одамзод яратган бу мўжиза дунё билимларини, халқлар тарихи ва жаҳон ақлий камолотининг бутун борлигини ўзида жамлаганки, у барча макон ва замонларда ҳам инсоният маънавиятини тозалаш, ақлий салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий турмушда тўғри ва оқилона яшаш сирларини ўргатувчи манбадир. Зеро, китоб–устоз, китоб–йўлбошчи, китоб–сирдош, ҳамдам. У дунёда табиат ва инсон, тафаккур ва одамзод, жамият ва фуқаро, сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик мувозанатини меъёрга солиб турувчи энг кудратли курулдилар.


Қизиқ, китобдай улуғ неъматдан болаларимизнинг барчаси тенг баробар баҳраманд бўлишини нега таъминлай олмаямиз?

Аслида ўзини, ўзлигини билган киши учун энг сеvimли маскан–эзгуликка чорлайдиган китоблар бор жой – кутубхона. Бунда китоблар сизнинг ҳамма саволларингизга жон деб жавоб қайтаради, сизнинг тафаккур оламингиз уларнинг ўнгитларидан юксалади. Ҳақиқий китобнинг яхши-ёмони бўлмайди. Китоблар фақатгина ўқувчининг маънавияти, диди, дунёқарашига кўра танланади, холос. Демак, китоб энг олис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли маъқдир.

Статистик маълумотларга кўра, давримизнинг 90 фоиз кишилари китоб мутолааси билан шуғулланишмас экан. Социологлар сўровнома ўтказишганда, аксарият «китоб ўқимаслар» «Охирги марта қайси китобни ўқидингизу, қачон кутубхонага йўлингиз тушди?» деган саволга буни эслашдан кўра китоб ўқишга, кутубхонага боришга нега вақтлари йўқлиги вазини айтишни маъқул кўришган. (...бола-чақали одам турмуш ташвишларига ботиб кетаркан, шу қадар иш кўпки, баъзан тузукроқ дам олгани ҳам фурсат йўқ. Тезкор замонда ота бўлиб, она бўлиб китобларга термулиб ўтирсак, рўзгорнинг ҳоли не кечади?! Қайсидир маънода ўзларини оқлаб, маслаҳат ҳам беришган: ёшликда ётиб олиб китоб ўқиганмизки, шу даражага етганмиз-да. Энди ёшлар китоб ўқисин, ҳа, ўқиш уларга кўпроқ ярашади.) Яхши фикр, яхши маслаҳат. Фақат шу ўринда бир ҳақиқатни унутиб қўйяпмиз: «Куш уясида кўрганни қилади-ку?!» Кўп кузатганмиз: тирноқ бўяш сеvimли машғулоти бўлган аёлнинг қизи, албатта, тирноқларига зеб беришни исталган юмушдан афзал билади ёки отаси сигарета чекадиган йигитча отасига аввал яширинча, кейин эса очикча тақлид қилади. Бу ҳаётий, аммо аччиқ ҳақиқат!

Болаларимизнинг барчасисини китобхон бўлишини нега таъминлай олмаямиз? Мазкур жумбоқнинг ечими ҳам юқорида таъкидланган аччиқ ҳақиқат билан боғланади. Ўзимиз, яъни биз катталар, мутолаага вақт ажратяпмизми? Зерикишларимизни бадий асар ўқиш орқали ёйяпмизми? Бу саволларга жуда кўп маҳалда ижобий жавоб бериб бўлмайди. Шундай эмасми?! Ахир қовоғи уйилган (бирор нарсадан таъби хира бўлган) ота улфатлари билан «гаштак»да ёки қимматбаҳо телефонидаги ўйинларга термулган ёки ИНТЕРНЕТда сузаётган ёки телевизордаги эликдан ортик телеканалдан «ҳеч нарса тополмай» телебошқаргични асабий босаётган (агар булардан ҳам нарига ўтиб кетмаса) ҳолатларни кузатиш кўпчилигимиз учун таниш манзара.

XX аср бошларида жадид ижодкори Маҳмудхўжа Бехбудий: «Туркистонда ягона она тилини таълим тизимига жорий этишдан олдин, оналаримизнинг ўзлари бир неча авлод давомида меъёрлаштирилган адабий тилда ўқитилган бўлмоғи лозим»лигини айтган эди «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласида.[2] (Бу фикр шу кеча-кундуз учун ҳам ўта





долзарбдир.) Бу фикрга таҳлил этаётган масаламиз нуктаи назаридан ёндашсак, демак, фарзандларимизни китобхонликка одатлантиришимиз учун аввало китобхонликни уларнинг оналари табиатига айлантиришимиз лозимлигини сезамиз. (*Табиатга ҳар неким одат эрур, Чу эскирди одат табиат эрур*) (А.Навоий) [1]

Яхши орзу, яхши маслаҳат. Хўш, унинг ижроси қандай бўлади? Айниқса, китоб ўқишга қизиқмайдиган уй бекасини қандай қилиб китобхонга айлантира оламиз? Бу муаммо ечимининг ўзаги ҳам, бизнингча, маҳаллалар ва уларнинг фаолияти билан боғланади. Маҳалла фаоллари рўйхатига турли тоифадаги (масалан, зиёли, хизматчи ва ҳ.) китобхон аёлларни киритиш, улар кўмагида ҳар ойда ҳеч бўлмаса, иккита насрий ёки назмий китобнинг тақдиротини ўтказиш асносида давра суҳбатлари ташкил этиш, уларга мумкин қадар барча маҳалладошларни жалб этишга эришиш лозим. Ҳар бир хонадонда шахсий кутубхона бўлишини тарғиб этиш, шундай хонадонларни ибрат қилиб кўрсатиш ҳам муҳимдир. (Баъзи маҳалла фуқаролар йиғинлари фақат коммунал тўловларни йиғиш билангина чегараланиб қолаётганликлари ачинарли ҳол.)

Китобга муҳаббат, ҳақиқатан, мақтовга лойиқки, китобга муҳаббат боғлаганларга барча замонларда ҳам ақлли одамлар ҳавас билан қараганлари бежиз эмас. Назаримизда, на кино олами, на ажойиб томоша, умуман, санъатнинг бирор тури; на компьютер, на ИНТЕРНЕТ сайтлари инсонни китоб даражасида юксалтира олмайди. Ваҳоланки, китоб мутолааси ўқувчи истайдими, йўқми, юксак бадиий асар уни маълум воқеаларга баҳо беришгагина эмас, балки ўша баҳо бериш йўли ҳақида, ҳаётнинг асосий масалалари, унинг мақсади, маъноси, ундаги адолат, ноҳақлик ва ҳоказолар ҳақида мулоҳаза юритишга мажбур этади.

Демакки, тафаккур юксалади, маънавият ошади, инсон борлиқни англаб боради. Китобга меҳр қўймаган, китоб ўқишни ўзининг сеvimли машғулотига айлантира олмаган кишилар ҳеч қачон ўзини, ўзлигини англай олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий А. Лисонут тайр. – Т.: Ғ.Фулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
2. www.ziyouz.com Маҳмудхўжа Бехбудий. Икки эмас, тўрт тил лозим.

KITOBXONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA REKLAMANING O'RNI

G. SAFAROVA,

ToshDO`TAU,

O'zbek til va adabiyoti o'qitish metodikasi kafedrası o'qituvchisi

Hozirgi kunda barcha sohalarda reklama juda katta ahamiyatga ega. Chunki ijtimoiy hayotni bugungi kunda reklamasiz tasavvur etib bo'lmaydi. Mahsulot ishlab chiqarish, uni sotish uchun har bir korxonaga, shaxs o'ziga xaridor chaqiradi. Bu jarayonda esa, albatta, reklamadan unumli foydalaniladi.

Axborot-kutubxonaga muassasalari ham reklamaning bir necha turlaridan, ya'ni ichki va tashqi reklamalardan foydalanishadi. Kutubxonada reklama - bu kutubxonaning xizmatlari va mahsulotlari to'g'risida axborotlar hisoblanadi. Bunga kutubxonaga ichkarisining kitobxonlar didiga mos gullar va bezaklar bilan bezatilishi, yorug va shinam bo'lishi bilan birgalikda kutubxonaning ish va a'zo bo'lish tartibi, bo'limlarning joylashganligi haqida ma'lumotlar, yozuvlar, ko'rsatkichlar bo'lishi lozim.

Kutubxonadan tashqarida bo'lgan reklama esa kirish joylarining did bilan bezatilishi, kitobxonni jalb qilish uchun tashqaridan kutubxonaga binosining kosmetik ta'mirlanishi, deraza